*КПСС Марказий Комитетининг қарори*

# «ПРАВДА» ГАЗЕТАСИ ТЎҒРИСИДА

## *КПСС Марказий Комитети «Правда» газетаси тўғрисида» қарор қабул қилди*

Қарорда қайд этиладики, қайта қуришнинг ҳозирги босқичи жамият барча соҳаларини тубдан ўзгартириш жараёни КПСС олдига партияни, унинг фаолият услуби ва усулларини қатъиян янгилаш борасида мураккаблиги ва миқёси жиҳатидан мислсиз вазифаларни қўймоқда. Партия КПССнинг раҳбарлик ролини Конституцияда мустаҳкамлаб қўйишдан воз кечган шароитда бу вазифалар айниқса муҳимдир. Шу муносабат билан партиянинг пешқадамлик жипслаштирувчи ролини мустаҳкамлаш, унинг оммага ғоявий-сиёсий таъсирини кучайтириш вазифаси янгича намоён бўлмоқда. Бу амалий ишда партия матбуоти, аввало КПСС Марказий Комитетининг органи — «Правда» газетаси жуда муҳим ўрин олади.

КПСС Марказий Комитети яқин вақтларгача «Правда» газетаси чиқишларининг даражаси ҳозирги замон талабларига, газетхонларнинг эҳтиёжларига тўла-тўкис муносиб бўлмаганлигини қайд этади. Бутун партия матбуотимиз каби «Правда» газетаси ҳам ўз вазифасини бажариши учун ўзини ўзи фаол қайта қуриши, догматик тафаккур элементларидан, сийқа усуллар ва расмиятчиликдан қатъиян воз кечиши керак. Янги типдаги матбуотнинг — халқ матбуоти ва халқ учун матбуотнинг, газетхонларнинг ишончига сазовор бўлган, улар билан халққа тушунарли тилда гаплашадиган эркин ва ҳаққоний, ҳалол ва ростгўй матбуотнинг ленинча қоидаларини жонли, амалий мазмун билан тўлдириш зарур.

Газетхонлар матбуотимиздан тўғри сўзни, қайта қуриш тажрибасининг билимдонлик билан қилинган чуқур таҳлилини, эришилган ижобий силжишларга ҳам, шунингдек ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларнинг, муваффақиятсизликларнинг, жамиятда ижтимоий кескинликни келтириб чиқараётган салбий ҳодисаларнинг сабабларига берилган аниқ ва равшан жавобларни кутмоқдалар.

Матбуотнинг ишига талабчанликнинг ошганлиги мана шундан келиб чиқади. Партиявий матбуотнинг: сиёсий сафсатабозлик камроқ бўлсин, амалий иш кўпроқ бўлсин, омма жонли, аниқ мисолларда тарбиялансин, деган ленинча накази ҳозир яна зўр долзарб куч билан янграмоқда. Матбуотимиз жамиятнинг барча соғлом кучларини қайта қуриш Ҳаракат дастури негизида бирлаштириш ва жипслаштиришда фаол, ижодий, амалий роль ўйнаши лозим.

Ҳақиқатни ва фақат ҳақиқатни ёзиш, КПСС йўлини, тубдан қайта қуриш ва янгилаш сиёсатини сабот ва изчиллик билан ўтказиш — коммунист журналистларнинг, мамлакат партия нашрлари барча ходимларининг партиявий бурчидир.

Партиянинг бош матбуот минбари бўлмиш «Правда» бутун диққат-эътиборни КПСС сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим соҳаларига жамлаши лозим.

Қайта қуришнинг ҳозирги босқичида бутун партиявий публицистика каби «Правда»нинг ҳам етакчи мавзуи қайта қуриш жараёнларини, КПСС Марказий Комитети 1990 йил февраль ва март Пленумлари ғоялари руҳида партия ислоҳ қилинаётганлигини чуқур, ҳар томонлама ёритиб беришдан иборат бўлмоғи керак. Бунда шунга асосланмоқ керакки, янгиланган партия социалистик йўлни танлаб олган, Маркс, Энгельс, Ленин таълимотини ижодий ривожлантириб, ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг манфаатини ифодалайдиган партия бўлмоғи керак. У ўз зиммасига давлат ҳокимияти ваколатларини олмайди. Унинг роли —ўзининг сиёсати ва бутун амалий иши билан халқнинг ишончига сазовор бўлган, халқ депутатлари Советларидаги, бошқа идоралар ва жамоат тузилмаларидаги коммунистлар орқали ишлайдиган ва демократик руҳда тан олинган раҳбар бўлишдан иборат.

Ўзига хос бўлмаган вазифалардан халос бўлган КПСС ўзининг бутун куч-ғайратини назарияни, ҳаракат дастурларини ишлаб чиқишга, ташкилотчилик ва тарбиявий ишга, жамиятни жипслаштиришга, кадрларга оид сиёсатни амалга оширишга қаратмоқда. Партия янги шароитда жуда чуқур демократиялашни амалга ошириб, ўз вазифасини муваффақиятли бажара олади. Партия аъзолари оммасининг ҳокимияти бу ишнинг асоси бўлиб қолиши керак.

КПССнинг XXVIII съездига тайёргарлик даврида «Правда» бутун партия матбуоти совет халқи ва партия босиб ўтган йўлни батафсил ва чуқур таҳлил этишга, партия ташкилотлари олдида турган янги вазифаларни ҳал этишга фаол кўмаклашмоғи зарур. Авж олиб кетган умумпартия мунозараси, КПСС Марказий Комитетининг съездолди Ҳаракат дастури ва партиянинг янги Устави лойиҳаларининг муҳокамаси шу ишга хизмат қилдирилиши керак.

Партия матбуоти саҳифаларида амалий мулоқотни ривожлантириш, уни принципиал партиявий позицияларида туриб олиб бориш, бу ишга социализмни янгилаш позицияларида турган жамики ижтимоий кучларнинг вакили бўлган қатнашчиларнинг кенг доирасини жалб қилиш, бизнинг социалистик йўлимизни рад қилишга интилаётган ҳар қандай уринишларга қарши комил ишонч билан ўткир курашиш керак. Совет халқининг социалистик ғояга эътиқоди билан унинг ўз ватанини чинакам тараққиёт ва адолат мамлакатига айлантиришдек ватанпарварлик муддаоси бир-бири билан чуқур боғлиқлигини кўрсатиб бериш лозим. Авлодларнинг тарихий давомийлигини ёритганда, Буюк Ғалабанинг 45 йиллигини, совет халқининг жаҳонни фашизм вабосидан халос этишда инсоният олдидаги жуда катта хизматларини алоҳида таъкидлаш керак.

Коммунистлар ва партиясизлардан олинган хатларнинг мазмунини батафсил бериб бориш лозим. Газета ҳамма фикрларни синчиклаб ҳисобга олиб, муаллифларнинг фикрларини «силлиқламай», айни вақтда қайта қуриш соҳасидаги партиявий позицияни қарор топтириши, вужудга келган муаммоларни ўз вақтида муҳокамага қўйиши, энг ўткир саволларга жавобларни ахтариши, «ўнг» ва «сўл» туркдаги сафсатабозларга, партиянинг, социализм ленинча қоидаларининг обрўсини тўкишга уринаётган ҳамма кимсаларга далил-исботлар билан зарба бериш керак. «Правда»нинг «мунозара варақалари»ни чиқариш ташаббуси қўллаб-қувватлансин, бу варақалар фикрлар хилма-хиллигини ривожлантиришга, аҳоли барча табақаларининг ҳар хил манфаатлари ва нуқтаи назарларини аниқлашга кўмаклашади.

«Правда» саҳифаларида КПСС Марказий Комитети сиёсий раҳбариятининг аъзолари, партия Марказий Комитетининг аъзолари партияни янгилашнинг, жамият турмушининг энг ўткир масалалари юзасидан дарҳол ва мунтазам равишда изоҳлар бериб туришлари зарур.

Партия ташкилотларидаги ҳисобот ва сайловлар каби муҳим сиёсий тадбирлар, партия ташкилотларининг кундалик фаолияти, шунингдек барча поғоналардаги халқ депутатлари Советларининг, давлат идораларининг, жамоат ташкилотларининг иши ҳам «Правда»нинг диққат марказида туриши керак.

Ғоявий-сиёсий соҳадаги хилма-хил, зиддиятли жараёнлар «Правда» саҳифаларида журналистлар томонидан чуқур тадқиқ қилинишига, холисона ёритиб берилишга муҳтож. Кўп қатламли ва кўп қиррали ижтимоий турмуш, жамоат ҳаракатлари ва гуруҳларининг турли позицияларини билимдонлик билан пухта таҳлил этиш, улар билан амалий мулоқот қилиниш партиянинг қайта қуриш борасидаги заковат имкониятларини ҳар томонлама ошириш керак. Ҳақиқат сабоқларини ёдда тутиб ва ривожлантириб, ўтмишимиздаги авторитар-бюрократик бузилишларнинг маҳсули, социалистик принциплар топталганлигининг оқибати бўлган нарсаларни партия билан халқнинг ўз мамлакатимиз ва бутун инсоният тараққиётига қўшган амалий ҳиссасидан аниқ фарқ қилиш муҳимдир. Тарихий меросимиздаги жамики чинакам қимматли ютуқларни йўқ қилиб ташлаш, ахлоқий ва маънавий йўл-йўриқларимизни, социалистик эътиқодга ва комунистик истиқболга садоқатимизни шубҳа остига қўйиш йўлидаги уринишларга қарши туриш зарур.

Лениндан қолган меросни замонавий идрок этиш, бу меросни жамиятни қайта қуриш тажрибаси билан, унинг олий мақсадлари билан жонли равишда бирга қўшиш — «Правда»нинг, бутун партия матбуотининг бурчидир. Ленин таълимотига содиқ бўлиб қолишнинг дунёқараши ва методологиясини ривожлантириш, янги хулосалар ва қоидалар билан бойитиш, айрим вазият тақозо этган ва фақат ўз даврига мансуб бўлган баъзи ибораларни қонун тусига киритишдан бутунлай воз кечиш, Ленин меросини ва В. И. Лениннинг шахсини сохталаштириш ва бадном қилиш йўлидаги ҳар қандай уринишлардан ҳимоя қилиш демакдир.

«Правда» гуркираб ривожланаётган, инсонпарвар, демократик социализмнинг ҳозирги концепциясини ишлаб чиқишга, жамиятни ижтимоий янгилаш тажрибасини умумлаштиришга қаратилган жамоатчилик фикрининг нуфузли минбари бўлиши, назариётда ҳам, амалда ҳам омманинг ижоди, жамият тўғрисидаги фанларнинг ривожи туфайли юзага келаётган ҳамма янги, илғор фикрларни тушунарли тилда яққол тарғиб қилиши лозим.

Инсон «Правда»нинг, бутун партия матбуотининг диққат марказида бўлиши керак. Редакциянинг ва газета журналистларининг энг муҳим вазифаларидан бири партиянинг инсон манфаатларини; унинг талаб ва эҳтиёжларини кўзлайдиган фаол ижтимоий сиёсатини турмушга татбиқ этишдан иборат. Ижтимоий адолат жамияти инсонпарварлик олий мақсадларини кўзлаб яшайдиган бўлиши, шахсни ҳар томонлама камол топтиришни, унинг барча хилма-хил маънавий ва моддий эҳтиёжларини диққат марказида тутиши лозим.

Демократия ва ошкораликни кенгайтириш шароитида мамлакат гражданлари ўз манфаатларини рўёбга чиқариш, талаблар қўйиш учун янги имкониятлар оладиган бўлишларини, қайта қуришнинг боришига меҳнаткашларнинг таъсири, назорати кучайишини эътиборга олиш лозим. Бироқ бунда ишни яхшироқ ташкил этиш, меҳнат унумдорлигини муттасил ошириш, ишга янги муносабат асосидагина ижтимоий-иқтисодий тарздаги талаблар қондирилиши мумкинлигини эсдан чиқармаслик керак.

«Правда», бутун матбуотимиз барча поғоналарда сўз билан ишнинг бирлиги тўғрисидаги масалани ўткир қилиб қўйиши, қабул этилган қарорларнинг бажарилиши ошкоралигини назорат остига олиши лозим.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш соҳасидаги тадбирлар мажмуасига алоҳида эътибор бериш даркор, бу тадбирлар ҳаракатимиз жўшқинлигини, меҳнат унумдорлигининг, маҳсулот сифатининг янги кўрсаткичларига эришишни таъминлаши керак. Фундаментал илмий тадқиқотларни, энг янги технологияларни, инсон ҳақидаги фанлар мажмуасини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш, космосни ўзлаштиришдаги, инсониятнинг ялпи муаммоларини ҳал қилишдаги ютуқларни ёритиш лозим.

Ташкилотчилик ва сиёсий ишни меҳнат коллективларининг фаолияти самарадорлигини оширишга, туб иқтисодий ислоҳотни жадаллаштиришга, мамлакатдаги иқтисодий вазиятни соғломлаштиришга қаратиш зарур. Хўжалик механизмини ва бошқарувни takомиллаштириш, иқтисодиётнинг тузилишини ўзгартириш, хўжалик ҳисобини ҳамма жойда жорий қилиш, маҳсулот ва умуман иш сифатини ошириш билан боғлиқ масалаларни изчиллик билан ҳал этиш, резервлардан тўлиқ фойдаланиш учун кураш, меҳнат, ишлаб чиқариш ва шартнома интизомини мустаҳкамлаш — «Правда»нинг ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг фаолиятидаги бош йўналишлар бўлиб қолиши керак.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг иқтисодий изланиш туфайли юзага келган янги шаклларини дарҳол ва шу билан бирга батафсил ёритиб бориш, иқтисодий тафаккурни ривожлантиришга кўмаклашиш лозим. Ижара, тўла хўжалик ҳисоби, пудрат, акционерлик ва бошқа замонавий усуллар асосида ишлаб чиқариш миқёсларини, минтақаларнинг хусусиятларини, бирлашув алоқалари ривожланганлигини эътиборга олиб, давлат мулкини меҳнаткашларнинг ўзлари демократик бошқарадиган мулкка айлантириш муҳим вазифадир. Партия меҳнат билан топилган шахсий мулкнинг, шу жумладан ишлаб чиқариш воситаларига шахсий мулкчиликнинг мавжудлиги мамлакат иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичига зид эмас, деб ҳисоблайди.

Изланувчан ҳар бир кишини, ҳар бир новатор коллективни фаол қўллаб-қувватлаш, илғорларнинг тажрибасини кенг тарғиб қилиш билангина чекланмасдан, шу тажрибанинг тезроқ жорий этилишига ҳаракат қилиш, меҳнат коллективи турмушидаги зарур муаммолар ҳал этилишига бутун чоралар билан кўмаклашиш — матбуотнинг бурчидир.

Давлатимизнинг келажаги жуда кўп жиҳатдан миллатлараро муносабатларнинг қандай таркиб топишига боғлиқ бўлади. Бу эса «Правда» газетаси редакциясидан, барча оммавий ахборот воситаларидан мамлакатимиздаги халқлар ва элатлар ривожланишининг, улар бутун кўп қиррали турмушининг, барча шакллардаги миллатчиликка ва шовинизмга қарши фаол курашишнинг мураккаб муаммоларини ёритишга масъулият билан чуқур ёндашишни талаб қилади. Мамлакатнинг бутун территориясида ҳар қандай миллатга мансуб гражданнинг ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиш; иттифоқдош республикалар суверенитетини амалий равишда тўлдириш ва миллий автономияларнинг барча турлари мустақиллиги янги даражаси; муштарак мақсадларга эришиш йўлида ўз ҳуқуқларининг бир қисмини иттифоққа ихтиёрий равишда топширадиган эркин ва тенг ҳуқуқли республикалар федерацияси бўлмиш мамлакатнинг яхлитлигини сақлаб қолиш — партия сиёсатининг энг муҳим қоидаларидир.

«Правда» газетаси, партия матбуоти жамият маънавий турмушининг барча соҳаларини ривожлантириш ва поклашга кўпроқ ҳисса қўшишлари, халқнинг сиёсий интеллектуал, маданий имкониятларини намоён этишлари ва кўпайтиришлари лозим. Қайта қуриш мантиқи ва моҳиятининг ўзи дунёқараш, сиёсат, ишлаб чиқариш маданиятини, инсоний мулоқот маданиятини, экологик, бадиий, ҳуқуқий маданиятни социалистик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг зарур шарти сифатида зўр бериб юксалтиришни талаб қилади.

Маданиятнинг жамики имкониятлари мамлакатдаги маънавий иқлимни соғломлаштиришга, маънавийликнинг умумбашарий нормалари қоидаларини қарор топтиришга қаратилиши керак. Бу соҳада кўп нарса оилага, мактабга, болалар, барча ёшлар тарбиясига ҳам боғлиқдир. Мана шу ҳаётий муҳим муаммолар «Правда» саҳифаларида жуда кенг акс эттирилиши керак.

КПСС Марказий Комитетининг органи партиянинг ташқи сиёсий фаолиятини муфассал ёритиб бориши лозим. Партиянинг янги тафаккурга асосланган сиёсати ҳозирнинг ўзидаёқ ижобий натижалар берди: дунё мухолифлик кишанларидан қутулмоқда, қуролсизланиш ишида, ядро қуролини босқичма-босқич тугатиш йўлида муҳим қадамлар қўйилди. Жаҳон ҳарбий можароси хавфи камайди. Мана шуларнинг ҳаммаси ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ички вазифаларни ҳал этишга ҳам кўмаклашмоқда. Шу билан бирга инсониятнинг тинч келажаги олий мақсадларини рўёбга чиқариш учун ҳали катта ва қийин йўл босиб ўтилиши лозим. «Правда»нинг, партия матбуотининг вазифаси эса шу олижаноб мақсадларни рўёбга чиқаришда фаол ёрдам беришдан, шу билан бирга реакция, милитаризм ва империализм кучларига қарши курашишдан иборат.

Қарорда партия комитетларининг «Правда» билан, бутун партия матбуоти билан алоқасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланади. «Правда» газетасининг редакцияси, барча партия комитетлари газетада босилган мақолаларнинг таъсирчанлигини таъминлаш ишини фаолроқ олиб боришлари лозим. «Правда»нинг принципиал чиқишларига партия комитетларининг, мансабдор шахсларнинг муносабати — жойларда ва марказда қайта қуришнинг ўзи қандай ҳаракат қилаётганлигини кўп жиҳатдан ифодалайдиган умумлашма кўрсаткич деб бемалол айтиш мумкин. Ошкораликка етарли баҳо бермаслик, танқидга тўсқинлик қилиш муқаррар равишда қолоқлик ва турғунликка олиб боради. Партия комитетлари принципиаллик, холислик, одамларнинг талаб ва эҳтиёжларига эътибор билан қараётган жойларда матбуотнинг танқидий материаллари ёрдам бериш деб, хатоларни бартараф этиш ва камчиликларни тузатишнинг фаол воситаси деб баҳоланмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг ўткир чиқишлари ўзларини адолатли мулоҳазалардан четга олишга уринаётган, ўзларини бенуқсон деб ҳисоблаб, ички сирни ошкор қилишга ботинган кишиларга зуғум қилаётган кимсаларга нисбатан аниқ-равшан чоралар кўриш билан мустаҳкамланмаса, аксинча, ошкораликни ривожлантириш тўғрисидаги шиорлар қуруқ гап бўлиб қолаверади.

Партия комитетларининг ходимлари ўзларини партия журналистлари билан ўзаро муносабатларда ўртоқ ва ҳамкасб деб ҳис қилишлари, матбуотда босилган материалларнинг таъсирчанлигини таъминлашда ёрдам беришлари, фаол муаллифлар сафини кенгайтиришлари, ўртоқлик кайфиятини қарор топтиришлари керак. Ҳаёт ўртага қўяётган муаммоларни ҳал этишда парткомлар билан матбуотнинг мустаҳкам ўзаро алоқаси — қайта қуришнинг инсонпарварлик мақсадларини рўёбга чиқариш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлидаги мажбурий шартдир.

Айниқса, сиёсий фикрлар хилма-хиллиги шароитида мана шу масъулиятли вазифаларни рўёбга чиқариш «Правда» бутун партиявий публицистикамиз журналистларидан юксак билимдонликни, турмушга чуқур кириб боришни, фикр ўткирлиги ва касб маҳоратини талаб қилади. Жамиятдаги жараёнлар, эҳтирослар, манфаатлар курашида жўшқин давом этмоқда, бу ҳақда холисона, вазмин, ишбилармонлик билан ва айни вақтда эҳтирос ва манфаатдорлик билан, қалб қўрини қўшиб ёзиш зарур. Журналистлар тажрибасидан гуруҳбозликни, вақтинчалик манфаатни кўзлаб иш тутишга ружў қилишни, манфаатпарастликни тугатиш зарур, бу иллатлар оммавий ахборот воситаларининг материалларига салбий фикрни келтириб чиқаради, одамларни ҳақли равишда норози қилади.

Зиёлиларнинг энг яхши намояндалари ҳамиша социалистик Ватанга, ўз халқига садоқат билан хизмат қилиб келганлар. Муҳаррирлар нашрларнинг мазмуни, матбуот сўзининг ҳаққонийлиги учун шахсан жавоб берадилар. Коммунист журналист қайси соҳада ишламасин, у партиянинг фаол ва замонавий, ўткир зеҳнли жангчиси бўлиши лозим.

«Правда» газетаси редакцияси партия ташкилотининг фаолиятини, дейилади қарорда, ходимларнинг ижодий куч-ғайратларини оширишга, уларнинг журналистлик маҳорати, сиёсий билим даражасини кўтаришга, ўзаро талабчанлик, партиявий ўртоқлик муҳитини вужудга келтиришга, ҳар бир коммунистнинг қайта қуриш тақдири учун масъулиятини кучайтиришга қаратиш керак.

«Правда» редакцион коллегияси ва редакция коллективининг бутун диққат-эътибори доимо мухбирлар тармоғини ривожлантириш, мухбирлик пунктларининг узлуксиз ишлаб туриши, улар теварагида кўплаб фаол муаллифларни уюштириш ва жипслаштириш, ўз мухбирлари фаолиятининг психологик, касб-кор хусусиятлари, унинг редакция аппаратидаги, шунингдек минтақа турмушидаги, маҳаллий сиёсий, ижтимоий, жамоат муассасалари ва ташкилотларидаги ўрни масалалари туриши керак.

Маҳаллий партия органлари газета мухбирларига ўз вазифаларини баракали ва самарали бажаришларида ҳар томонлама ёрдам беришлари лозим.

«Правда» газетасининг редакцион коллегиясига меҳнаткашларнинг хатлари билан ишлашнинг янги қоидаларини ишлаб чиқиш таклиф этилди. Бунда редакция давлат ёки маҳкама идораси эмас, балки ижодий ташкилот эканлигига асосланиб иш тутиш зарур. Бинобарин, хатлар билан ишлашдан кузатилган мақсад — партия ва давлат сиёсатининг асосий йўналишларида ижтимоий фикрни ўрганишдан иборат. Редакцияга КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий Фанлар академияси ва СССР Фанлар Академияси билан биргаликда уларнинг базасида жамоатчилик фикрини ўрганувчи махсус гуруҳларни тузиш, энг муҳим масалалар юзасидан газетада босилган материаллар борасида газетхонлар билан дарҳол савол-жавоб ўтказиб туриш тавсия этилди.

Партия марказий органининг обрў-эътиборини ошириш тўғрисидаги ғамхўрлик —партиянинг азалий анъанасидир. «Правда» газетаси мамлакат ақл-заковатли ва ижодкор кучларини ўзига жалб этадиган ҳақиқий марказ бўлиб қолишига, унинг саҳифаларида чиқиш шон-шараф иши деб ҳисобланишига эришилсин. Редакция коллегияси энг яхши журналистлар «Правда» билан ҳамкорлик қилишлари учун имкони бўлган ҳамма ишни қилиши лозим. Мамлакатда «Правда» дўстлари» клубларини тузишга ижобий назар билан қаралсин. «Правда»нинг ҳар йилги фестивалларини ўтказиб туриш одат тусига киритилсин, бу фестиваллар муҳим сиёсий тадбирга айлантирилсин.

Маҳаллий партия матбуоти билан ишлаш редакциянинг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин. Газетада матбуот, радиоэшиттириш ва телекўрсатув обзорлари мунтазам эълон қилиб турилсин. Маҳаллий журналистларнинг тажриба ўрганиб кетиши йўлга қўйилсин, тажрибали «Правда»чиларнинг маҳаллий касбдошлари билан учрашиш учун бориб туришлари одат тусига киритилсин.

Газета редколлегиясига редакциянинг тузилиши, унда қанча одам ишлашини белгилашга, мамлакатдаги ва чет эллардаги мухбирлар пунктини очиш ва ёпишга тааллуқли масалаларни шу мақсадлар учун белгилаб берилган одамлар сони доирасида ҳал этиш, редакция ходимлари билан меҳнат шартномалари тузиш ҳуқуқи берилди.

«Правда» газетасининг редакциясига ва КПСС Марказий Комитетининг Ишлар мудирлигига газета редакцияси ва нашриётнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш ва улар коллективининг ижтимоий ривожланиши юзасидан таклифлар тайёрлаб, КПСС Марказий Комитетининг секретариати муҳокамасига тақдим этиш топширилди.

# КЕЧАГИ КУН ЮКИ

## *XIII Янгийўл шаҳар партия конференциясидан*

Маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва вилоят партия комитети Янгийўл шаҳар партия ташкилотини янгидан тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилган эдилар. Шу сабабли ҳам шаҳар партия конференцияси бирмунча бошқачароқ ўтди. Уни тайёрлаш ва ўтказиш учун ташкилий бюро тузилди. Ушбу бюро раҳбарлигида 83 та партия ташкилотида қисқа муддатда ҳисобот сайлов йиғилишлари ўтказилди, уларда конференцияга делегатлар ҳам сайланди.

Шаҳар коммунистларининг етакчиси Ш. О. Дадабоев қайта ташкил этилган Янгийўл ноҳия партия комитетининг биринчи котиби қилиб сайланганлиги муносабати билан у эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди. Янгийўл шаҳар партия ташкилотининг ташкилий бюроси конференцияда ҳисобот маърузаси билан чиқмасликка қарор қилди. Маъруза ўзбек ва рус тилларида чоп этилиб, конференция делегатларига барвақт тарқатилди. Аммо бу ҳамма делегатларга ҳам маъқул тушмади.

— Шаҳар партия комитетининг биринчи котиби ўз вазифасидан бўшаганлиги учун ҳисобот маърузаси қилинмаслиги тўғрими?— деди шаҳар партия ташкилоти тафтиш комиссиясининг раиси **В. П. Теплякова.** — Партия комитетининг иккита котиби, бюронинг бошқа аъзолари ишлаб турибди-ку! Нега улар ҳисобот давридаги фаолиятлари тўғрисида ҳисоб бермасликлари керак. Буни оддий коммунистларимизга қандай тушунтирамиз? Ахир шахсий маъсулият деган гап ҳам бор-ку.

Бу фикрни пойафзал фабрикасининг ишчиси **Т. Кольцова** ҳам қўллаб қувватлади:

— Янгийўл шаҳар ва ноҳия партия ташкилотларини бирлаштираётганларида ҳеч ким коммунистларимиз фикрини сўраб ҳам ўтирмади. Бу ташкилотларни ажратиш масаласи ҳам юқоридан ҳал қилинди. Тўғри Пленумлар, фаоллар йиғилишларида бу таклифлар учун қўл кўтарганлар бўлди. Партия ташкилотлари бирлаштирилиши хато бўлганлигини, уларни ажратиш кераклигини айтишганда ҳам яна бу фикрни қўллаб-қувватладилар. Ўзи бизда принципиаллик борми? Иккинчидан қўшилиш ҳам, ажралиш ҳам ўзича бўлмади. Бунга давлатнинг қанча маблағи кетди. Бунга жавоб берадиган мард топиладими?

Афсуски, делегатларнинг бу ҳаққоний саволларига ҳеч ким жавоб бермади. Худди шунингдек шаҳарда сўнгги йилларда иқтисодиёт, ижтимоий масалаларда йўл қўйилган жиддий камчиликларга ким айбдор, деган савол ҳам ҳавода муаллақ осилиб қолди.

— Авваллари ҳамманинг шаҳримизга ҳаваси келарди,— деди маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг тарғиботчиси **С. Степанова.** — Янгийўл шинамгина, озода, кўкаламзор шаҳар эди. Ҳозир қайси кўчага кирманг ахлат уюмларига кўзингиз тушади. Шаҳар атроф-муҳитининг аҳволи тўғрисида гапирмай қўя қолайлик. Янгийўлнинг қоқ марказидаги пахта тозалаш заводи ҳаммаёқни чанг-тўзонга ботирмоқда. Бунинг устига ёғ-мой комбинати, биохимия заводида ҳам атроф-муҳитни мусаффо сақлаш қоидаларига риоя этилмайди. Шаҳар партия комитетининг котиблари тез-тез алмашаверганидан бу муаммолар билан бирор киши жиддийроқ шуғулланмаяпти.

Делегатларга тарқатилган ҳисобот маърузасида бу муаммолар мутлақо четлаб ўтилган дейиш инсофдан бўлмасди. Жумладан, биохимия заводининг ҳавони булғатаётган иккита цехи ёпиб қўйилганлиги, 1990 йилда озуқа ачитқиси ишлаб чиқариш тозалагичлар қуввати даражасигача пасайтирилиши, кейинги йилларда тозалаш қурилмаларини реконструкция қилиш учун 371 минг сўм маблағ ўзлаштирилганлиги айтилади. 1990 йилда атроф-муҳит муҳофазаси учун 1248 минг сўм ажратилиши айтилган.

Лекин ҳисобот маърузасида ўткир муаммоларни четлаб ўтишга мойиллик сезилиб туради. Чунончи, шаҳарда ўтган йили 216,7 миллион сўмлик кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарилганлиги, ўсиш 5,8 фоизни ташкил этилгани таъкидланади. Аммо истеъмолчиларга 11,5 миллион дона ғишт, 640 тонна металл буюмлар, 272 тонна озуқа ачитқиси кам етказиб берилганлиги, уч корхона маҳсулот ишлаб чиқариш суръатларини пасайтириб юборганлиги таҳлил этилмаган.

Янгийўлда ижтимоий масалалар жуда кескинлигича қолаяпти. Ҳисобот маърузасида «Уй-жой-2000» дастурига кўра умумий саҳни 567 минг квадрат метрли турар-жойлар қурилиши кераклиги кўрсатилади. Шунинг 207 минг квадрат метри ўн учинчи беш йилликда фойдаланишга топширилиши керак. 1989 йилда эса бор-йўғи 5804 квадрат метр уй-жой қуриб битказилган. Бошқача қилиб айтганда яна бир йилдан сўнг уй-жой қурилиши кўламини бирданига 7 бараварга (!) кўпайтириш талаб қилинади! Бунга амалда эришиш амри маҳоллиги равшан.

Даволаш муассасалари, мактаблар, болалар боғчалари, бошқа маданий-маиший объектлар қурилишида ҳам аҳвол бундан ёмон бўлса ёмонки, яхши эмас. Шаҳар халқ таълими бўлими методисти делегат **Ф. Агишева**нинг таъкидлашича ҳозир шаҳарда ҳар бир ўқувчига тўғри келадиган синфхоналар белгиланганидан тўрт баравар кам.

— Бунинг устига ўз вақтида ўзбек ва рус тилларида ўқитиладиган мактаблар моддий базасида катта тафовутларга йўл қўйилган эди, — бу фикрни давом эттирди 17-мактаб директори **А. Солижонов.** — Шаҳар бўйича иккитагина мактабда дарслар давлат тилида ўтилади. Тўғри, ўзбекча-русча аралаш мактаблар ҳам бор. Шундай бўлсада ўзбек тилида ўқитиладиган мактабларда ўқувчилар жуда кўплиги, уларда фан кабинетлари, лабораториялар ёмон жиҳозланганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси ҳозирги пайтда миллатлараро муносабатларга таъсир кўрсатмай қолмайди. Ана шундай аҳволга қарамасдан шаҳар партия комитетининг бу масалаларга эътиборсизлигидан фойдаланган ташкилотлар мактаблардан бирининг спорт залини мебель магазини учун тортиб олиб бердилар. Қурувчилар эса янги мактабни ошхонасиз фойдаланишга топширишга муваффақ бўлишди.

Турғунлик даврининг, кечаги куннинг юки биргина иқтисодиёт, ижтимоий соҳалардагина эмас, партиявий ишларда ҳам яққол сезиляпти, янгича иш услубларини кенг жорий этишга тўсқинлик қилмоқда.

Шаҳар партия комитети бошланғич ташкилотлар, коммунистларга нисбатан талабчанликни сезиларли даражада бўшатиб юборганлиги, ўзи қабул қилган қарорларнинг ижроси билан қизиқмай қўйганлиги кескин танқид қилинди. Ҳисобот даврида 11 киши ихтиёрий равишда КПСС сафидан чиқди. Аъзолик бадалларини тўлашда жиддий нуқсонлар мавжуд. Биргина 1989 йилда 74 та партия ташкилотида аъзолик бадаллари тўлиқ тўланмаганлиги аниқланди. Бунга айниқса қурилиш ва транспорт ташкилотларида, колхоз ва совхозларда кўп йўл қўйилмоқда. Шаҳар партия ташкилоти тафтиш комиссиясининг маърузасида бунинг учун шаҳар партия комитетининг иккинчи котиби В. М. Гнедаш масъул эканлиги рўйирост айтилди.

Делегатлар, умуман шаҳар партия комитетининг кўпгина масъул ходимларига, шу жумладан, котибларига ҳам «кабинет усули» хос эканлигини, улар бошланғич ташкилотларда жуда кам бўлишлари, коммунистларнинг фикрлари билан қизиқмасликларини ошкора айтдилар.

— Ҳозир КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури, янги Устав лойиҳалари муҳокама этилмоқда,— деди пойафзал фабрикаси ишчиси **Т. Кольцова.** — Лекин шаҳар партия комитетидан бирор ходим келиб ушбу ҳужжатлар тўғрисида бизнинг фикримиз, таклифларимиз билан қизиқишмади. Бу ҳолда бошланғич ташкилотлар ҳуқуқларини кенгайтириш, улар мустақиллигини ошириш ҳақидаги гаплар яна қоғозда қолиб кетмаса, деб хавотирдаман. Чунки бунга асосларим бор. Аввалги конференцияда котибларимиз қандай ваъдалар беришган эди. Улар бажарилдими? Йўқ. Иккинчи котибимиз бизнинг корхонамизда жуда кам бўлганлар. Лекин ўша учрашувларда бизнинг қилган илтимосларимизни бажарамиз, деб қўйнимизни пуч ёнғоққа тўлдириб кетаверганлар. Ҳозир бундай эътиборсизликларни яна партия ташкилотимиз иккига бўлинганлиги билан изоҳлашмоқчи. Амалий иш бўлмагандан кейин оддий одамларгина эмас, коммунистларнинг ҳам партия ташкилотига ишончи камаяди.

Шаҳар партия конференциясига КПСС Марказий Комитетининг «Демократик, инсонпарвар социализм сари» Ҳаракат дастури, КПСС Устави лойиҳалари тўғрисидаги масалалар ҳам киритилганлиги учун делегатлар ушбу ҳужжатлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам баён этдилар.

**М. Раҳматуллаева, «Лаззат» қандолат ишлаб-чиқариш бирлашмасининг ишчиси:**

— КПСС Устави лойиҳасида бошланғич партия ташкилотларига партияга қабул қилиш, КПСС сафидан чиқариш ҳуқуқлари берилганлигини маъқуллайман. Шу билан бирга янги Уставда коммунистларнинг шахсий ишларини узил-кесил ҳал қилиш масаласи ҳам бошланғич партия ташкилотига берилиши қайд этилса мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман.

**Г. Эльберен, 105-механизациялашган кўчма колонна бошлиғи:**

— Ҳозирги вақтда шаҳар партия комитетларининг пленумларини ўтказиб туриш шарт эмас. Чунки, деярли барча масалалар бошланғич партия ташкилотларида ҳал этилади. Шундан келиб чиқиб КПСС Уставида йилда бир марта шаҳар партия ташкилотининг конференцияси ўтказилади, унда бюро аъзоларининг ҳисоботлари тингланади, деган кўрсатма бўлиши лозим.

Делегатлар шаҳар партия комитети котибларини яширин овоз бериш йўли билан конференциянинг ўзида сайлашга қарор қилдилар. Янгийўл шаҳар партия комитетининг биринчи котиблигига икки номзод: Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги саноат корхоналари бошқармасининг бошлиғи Ш. И. Каримов ҳамда вилоят партия комитетининг инспектори А. С. Раззоқов номзодлари кўрсатилди. Улар конференция қатнашчиларини ўз ҳаракат дастурлари билан таништирдилар.

Ш. И. Каримовнинг фикрича, шаҳар партия комитети биринчи навбатда инсоннинг яшаши, меҳнат қилиши, дам олиши учун ҳамма шароитларни яратишга ҳаракат қилиши керак. Бунинг учун турар-жой, мактаб, боғчалар, туғруқхона қурилиши жадаллаштирилиши, бинокорлик саноати ривожлантирилиши, жумладан, йилига 100 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган заводнинг қурилиши тезроқ ниҳоясига етазилишига, атроф-муҳитни соғломлаштиришга алоҳида эътибор берилиши лозим. Янгийўлни озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш мақсадида У. Юсупов номли агросаноат бирлашмасини шаҳар ихтиёрига бериш зарур. Транспорт ва алоқани ривожлантириш ҳам талаб этилади.

Иккинчи номзод А. С. Раззоқов ўз ҳаракат дастурида кўпроқ партиявий-ташкилий, ғоявий-тарбиявий ишларга тўхталди. Шаҳар партия ташкилоти янгийўлликлар талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўзининг иқтисодиёт, ижтимоий соҳалардаги вазифаларини белгилаб олиши лозим. Уларнинг бажарилиши қатъий назорат остига олиниши керак. Партиявий ва ишлаб-чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш ҳам партия ташкилотларининг муҳим вазифалари ҳисобланади.

Номзодларнинг ҳаракат дастурлари тўғрисида 2503-автоколонна шофери С. Бекиров, пойафзал фабрикаси партия ташкилотининг секретари С. Шушкова, уруш ва меҳнат ветерани Э. Бўрибоев, 6-мактабдан А. Бусигина, олий партия мактабининг тингловчиси Х. Қўлдошев ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Яширин овоз бериш натижаларига кўра **Ш. И. Каримов** шаҳар партия комитетининг биринчи котиби қилиб сайланди. **В. М. Гнедаш** — шаҳар партия комитетининг иккинчи котиби, **М. О. Нуриддинова** — котиби қилиб сайланди.

Делегатлар шунингдек, шаҳар партия комитети, шаҳар партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг янги таркибларини, Тошкент вилоят XXIV партия конференциясига делегатлар сайладилар, юқори партия органларига номзодлар кўрсатдилар.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Г. С. Сташкевич, Тошкент вилоят партия комитетининг котибаси Ш. Н. Маҳмудова иштирок этдилар.

**А. НОСИРОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

